ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ МОДЕЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

К.О.Абидов, К.Д.Саипова

Мақолада юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш самарадорлигини баҳолашнинг аҳамияти ёритилиб, буни турли мезонларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш усули тавсия этилган.

***Калит сўзлар**: эҳтиёж, умумий самарадорлик, вақтинчалик самарадорлик, давомийлик, даврийлик.*

В статье освещена роль оценки эффективности подготовки высококвалифицированных научно-педагогических кадров, представлен метод её осуществления с учетом различных критериев.

***Ключевые слова**: потребность, общая эффективность, временная эффективность, продолжительность, периодичность.*

The article discusses the role of estimation of effectiveness of training highly qualified specialists for the educational system. It contains some recommendations for the improvement of this issue.

***Key words**: consuming, general effectiveness, temporal effectiveness, continuation, periodical.*

Илмий ходимлар, ўқитувчилар тайёрлаш тизими ўта масъулиятли ва мураккаб вазифа ҳисобланади. Бу вазифанинг ҳал этилиши математик ҳисоб ва миқдорий баҳолашга тобе бўлавермайдиган қатор омилларга боғлиқ. Айни вақтда мавжуд бўлган илмий педагогик кадрлар модели (андозаси)га киритилиши таклиф этилган ўзгартиришларнинг самарадорлигини баҳолашга кўмак берувчи мезонларни ишлаб чиқиш лозим. Шуни таъкидлаш керакки, бунда ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган самарадорлик тушунчаси моддий мезонга айланади.

Бироқ ҳар қандай фаолият ҳам соф «моддий-ашёвий» самара ҳисобланавермайди. Бундай ҳаётий далилнинг ҳаққонийлиги инсон фаолиятининг илмий, билим, таълим бериш ва бошқарув каби соҳаларда нисбатан яққолроқ намоён бўлади. Қиймат ҳар доим ҳам аниқ бир мақсадга йўналтирилган фаолият, ишлаб чиқаришнинг ягона ва умумий қабул қилинган тавсифи ҳисобланмайди. Тизимли таҳлил, мутахассисларининг таъкидлашларича, «қиймат-самарадорлик» усули ижтимоий тизимлар (таълим, соғлиқни сақлаш, ташқи муҳитни мухофаза қилиш ва ҳ.к.) да масалаларни яхши ҳал этишга унчалик ярамайди. Кўзланган умумий натижага эришиш учун зарур бўлган вақт ва жараён параметрларининг исталган мақсадга мос келиш (келмас)лик даражаси бунга хизмат қилади.

Илмий педагогик кадрларни тайёрлашга нисбатан даврий, иқтисодий, касбий, соҳавий, шахсий ва ҳ.к. самарадорлик ҳақидаги фаразлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Умумий самарадорлик **(E)** унум **(R)**нинг сарф-харажатлар **(Z)** га нисбатан муносабати қуйидаги ифода билан белгиланади (бунда **dt=const** бўлиши керак):

$$E = \frac{R}{Z};\ dt - const \qquad (1)$$

Rни (унум ёки ишлаб чиқариш маҳсулотини) **P** – (қайта ҳосил қилинган бошланғич объект) билан алмаштирамиз. Фаолят унинг ўзгартирилишига йўналтирилган, **M** ва **S** билан ишлаб чиқаришнинг идеал ва технологик воситаларини, **r** билан зарурий энергетик, молиявий, кадрлар ва бошқа ресурсларни, **d** ишлаб чиқариш жараёнида қилинган ҳаражат, **dt** билан охирги маҳсулот олиш учун сарфланган вақтни белгиласак, умумий самарадорлик –**бус**нинг қуйидаги функционал таърифига эга бўламиз:

$$yc = Fyc(R, r, P, S, d, Z);\ dt = const$$

(ус – умумий самарадорлик)

Технологик сарф-ҳаражатлар ўрнига кўриб чиқаётганимиз фаолиятнинг тадқиқ этилиши билан боғлиқ вақтинчалик ҳаражатларни муомалага киритсак, ходимларга бўлган эҳтиёж, тақозо этилаётган ички **(и)** ва ташқи **(таш)** самарадорлик натижасини беради:

$$Zt = \Delta tp \qquad (2)$$

$$\frac{u}{t} = \frac{ft(P,r,M,S,d)}{Zt};\ R = const Zt = const \qquad (3)$$

Агар қуйидагиларни ҳисобга олсак:

$$\frac{\tau аш}{D} = \frac{R_D}{П} \text{ ва } R_D = Z_{tu} \qquad (4)$$

У ҳолда ушбу ифодага эга бўламиз:

***К.Д.Саипова** – тарих фанлари номзоди, ЎзМУ факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти;*
***К.О.Абидов** – ЎзМУ магистранти*

$$\tau_{D}^{аш} = \frac{u_{t}\Delta t}{П \cdot \Delta tD};\ Ї=const \qquad (5)$$

Бу ерда **П** – ўқитувчи ва илмий ходимларга бўлган эҳтиёжни англатади. Бу ифодадан қуйидаги савол келиб чиқади: ушбу фаолят самарали бўлиши учун уларнинг яралиши (тайёр бўлиши) оралиғи қандай бўлиши лозим?

Бу саволга жавоб баъзи умумий тамойиллар билан берилади, айнан бизнинг ҳолда олий маълумотли мутахассисни тайёрлаш ёки қайта ўқитишнинг вақтинчалик самарадорлик тамойили билан ҳам жавоб бериш муҳим. Вақтинчалик самарадорлик тамойили қуйидаги изоҳларнинг исталган бири билан ифодаланиши мумкин:

1. Илмий педагогик кадрларни тайёрлаш вақтинчалик самарадорлигининг давомийлиги **(D)** икки томонлама чекланган.

2. Самарали касб таълими жараёнининг вақтинчалик самарадорлигини таъминловчи шарт-шароитлар мавжуд.

3. Ходимлар тайёрлаш ва уларни қайта ўқитиш вақтинчалик унумдорлик тамойилининг зарур шарти-фаолиятда эҳтиёжнинг сақланиши шарти билан уларни текшириш орасидаги катта фарқни кўрсатади.

$$\Delta tэск - \Delta tтак \geq 0,\ \text{бунда}\ Ї=const \qquad (6)$$

Тегишли касб фаолятининг эскириш вақти Δ**тэск** эҳтиёжининг вақтинчалик ўлчови бўлиши мумкин, яъни:

$$\Delta tэскD - \Delta tвс \geq 0 \qquad (7)$$

$$\Delta tтак \leq \Delta tтай < tэск \qquad (8)$$

(эск - эскириш)
(вс – вақтинчалик самарадорлик)
(D - даврийлик)
(так - такомиллаштириш)
(тай – тайёрлаш)

Тенгсизликнинг ўнг қисмида ифодаланган шартлар бузилиши **(8)** илмий педагогик кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий фаолияти реал талаблардан узилиб қолишига олиб келади деганидир. Унинг ижтимоий самараси ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш ёки малака оширишдек анъанавий тадбир бефойда вақт йўқотилишига олиб келиши мумкин эди.

Албатта, ижтимоий ишлаб чиқаришда барқарор шарт-шароитлар мавжуд бўлганидан мутахассислар тайёрлаш муддати ҳар қандай чекланишлардан холи бўлади. Бундай тарихий тажрибага асосланган одатий тасаввурларга амал қилишни шароит тақазо этади. Ижтимоий амалиёт жадал суръатда ўзгариб бориши шароитида мутахассис тайёрлашнинг вақт чегараларини белгилаш биринчи даражали амалий аҳамият касб этади.

Вақтинчалик самарадорлик тамойили илмий педагогик кадрлар тайёрлашнинг таркиби, унинг чуқур ва аниқ мазмунини чеклаб туради. Табиийки, янги билимларни ўзлаштириш бўйича турли даражада қобилиятга эга бўлган талабаларнинг шахсий сифатларини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Бироқ вақтинчалик самарадорлик тамойили бўйича статистик маълумотни тўплаш ва таҳлил этиш талаб этилаётган муҳим объектив мезон деб ҳисобланиши керак. Буни эса сунъий интеллектни яратиш билан боғлиқ бўлган тизимгина амалга ошириши мумкин. Бунинг учун мутахассислардан билимни ажратиб олиш ва инсон фикрини моделлаш лозим. Белгиланган тамойилдан бир қатор натижалар келиб чиқади:

1. Касб фаолияти мазмунидаги бўлажак ўзгаришларни башорат қилишнинг ўта қийинлиги ва ноаниқлиги сабабли илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш мазмунини режали белгилаш, қатъий андозаларини ишлаб чиқиш ва уларни ўрнатиш самара бермайди. Фақат анча мустаҳкам компонентларгина мунтазам янгиланиш ва қайта кўриб чиқиш шароитида истиснони ташкил этиши мумкин. Бундай барқарорликни ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий манфаат нуқтаи назаридан таҳсил олувчилар томонидан илмий педагогик кадрлар тайёрлаш мазмунининг катта бир қисмини шахсан мустақил белгилаш имконияти кенг очилади.

2. Илмий педагогик кадрларни тайёрлаш умумий вақт оралиғини қуйидаги уч қисмга бўлиш мумкин:

tсақ tэск ва **tянг**

у ҳолда

$$\Delta tтай = \Delta tсақ + \Delta tэск + \Delta tянг \qquad (9)$$

Эскирган компонентларнинг сақланиши унумли касб тайёргарлиги муддатини қисқартиради. Мазмуннинг керагидан ортиқча оғирлаштирилиши психологик қийин вазиятни юзага келтиради, чунки инсон мияси ҳар доим мураккаб шароитларга қарши туради. Шу боис мазмунан самарасиз таълим жараёни бир вақтнинг ўзида ахлоқий, маънавий жиҳатдан ҳам кераксиз ҳисобланади.

Юқорида билдирилган фикрларни таҳлил қилиш орқали қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Бакалаврлик дипломидан кейинги таҳсил ўқитувчи ва илмий ходимлар тайёрлашнинг асосий босқичи ҳисобланиб, у шахснинг ўз билимини тўлдириш (компенсацион), кўникма ҳосил қилиш (адаптацион), йўналтириш (коррекцион), янгилик

киритиш (инновацион), соҳасини чуқурлаштириш (интеграцион) ва ўз-ўзини ифодалаш (мотивацион) имконларини яратади. Шахс ўзини дунёдаги онгли ва фаол мавжудот эканига кўникиб, фаолиятига мос меъёрий муносабатлардан воз кеча олади ва мотивацион мазмунийликка ўтади. Шундан бошлаб шахснинг ўз-ўзини ҳадсиз намоён этиши, бор мавжудот манфаати учун ўз шахсиятини эркин равишда рўёбга чиқариш имконияти пайдо бўлади ва унга кенг йўл очилади.

2. Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш тизимида зарурий ўзгаришлар билимга талабнинг ўсиши, илмнинг жамият томонидан ҳам талаб этилиши, ўқитувчи меҳнатининг муносиб моддий рағбатлантирилиши, барча ўқитувчи ва илмий ходимлар учун илмни тинимсиз янгилаб бориш учун шарт-шароитлар яратиш билан қўллаб-қувватланмоғи лозим.

3. Ривожланган мамлакатларнинг илмий педагогик кадрларни тайёрлаш андозалари таҳлили шуни кўрсатадики, барча мамлакатлар учун умумий қабул қилинган универсал самара андозаси мавжуд эмас. Ҳар бир мамлакатда аҳолининг миллий хусусиятлари, маълумот савияси, яшаш тарзи ва сифати ҳисобга олинмоғи лозим. Айни замонда мавжуд тажрибанинг ўрнатилиши илмий педагогик кадрлар тайёрлаш усулларининг шаклланишида хато ва ортиқча сарф-ҳаражатларни четлаб ўтишни тақозо этади.

4. Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифларнинг самарадорлигини баҳолаш учун юқори суръатларда тараққий этиб бораётган, ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълим жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлган узлуксиз таълимнинг диплом олгандан кейин ўтказилиш вақти, таркиби ва мазмуни тўғри ва мақсадга мувофиқлигини объектив баҳолашга кўмак берувчи вақтинчалик самарадорлик тамойилидан фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Глухов В.В., Федоров Н.В. Экономическое управление в вузе.- С-Пб., 1997

2. Гузаиров М.Б., Д.Жуковская, А.Е.Львович и др. Концепция и метод разработки государственного образовательного стандарта по направлениям базового высшего образования.- М., Н.Новгород –Уфа: Изд-во Исследовательского центра проблем качества подготовки специалистов, 1992.

3. Гусев В.В. Некоторые аспекты работы университета в условиях перехода к рыночной экономике. Вуз и рынок. Кн.1. Коммерческая деятельность в системе высшей школы России.- М.: Высшая школа, 1992.

4. Мамадалиев А.Т. ва бошқалар. Меҳнатни ташкил этиш ва самарадорлик.- Т.: Меҳнат, 1989

5. Матюхин В.Ю. Взаимосвязь высшего образования и трудоустройства выпускников вузов в развитых европейских странах.- М.,1993, НИИВО, вып.2.

6. Методология планирования обучения.- Высшее образование в России.- М., 1996.- №3.

7. Яценко В.Е. Общие подходы к прогнозированию развития образования. Вуз и рынок. К.н. 2. Международные связи внешнеэкономическая деятельность Вузов России.- М., 1993.

2014 йил 22 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ҳасанов)